

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР

Тошкент – 2005

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2005

78.342

М 96

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

<i>Тузувчи</i>	<i>Ф.Рўзиева</i>
<i>Муҳаррир</i>	<i>Ҳ.Маматраимова</i>
<i>Масъул муҳаррир</i>	<i>О.Қиличбоев</i>
<i>Матн терувчи</i>	<i>З.Жалилова</i>

Муҳаммад Пайғамбар:Метод.-библиогр.
қўлл / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий
к-наси; Тузувчи Ф.Рўзиева; Муҳаррир Ҳ.
Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси. нашриёти, 2005.- 30 б.
КБК 78.342+86.38

Мазкур методик қўлланма пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом таваллудининг 1435 йиллиги муносабати билан тайёрланди. Ушбу қўлланмада пайғамбаримизнинг ҳаётлари ҳақидаги маълумотлар қисқа қилиб берилган. Қўлланма кутубхона ходимларига методик ёрдам сифатида тайёрланган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2005

МУҚАДДИМА

*Ҳар нарсаю, ҳар заррада зухурдир Аллоҳ,
Унинг ишларию қудрати қойилмақом, эй воҳ.
Деди–қилмиш-қидирмишдир, валҳамдуллилоҳ,
Оҳ, ўзинг адаштира, янглиштира, эй Аллоҳ!
Абдурахмонов А.*

Истиқлол берган бебаҳо неъматлардан бири бу аждодларимизнинг диний-маънавий, илмий-фалсафий, маданий меросини ўрганишга катта йўл очилганидир. Ислом – яхшилик динидир. У одамларни эзгуликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаради. Инсонийликни улуғлаб, разолатни рад этади. Одоб-ахлоқ, рухий-маънавий поклик ва равнаққа чорлайди. Ислом дунёсида Оллоҳнинг элчилари, яъни пайғамбарлар ҳаёти ва иши муҳим аҳамият касб этади. Куръонда 25 нафар пайғамбарлар ҳақида сура ва оятлар мавжуд. Шу пайғамбарлардан энг охиргиси Муҳаммад пайғамбар ислом динининг охирги элчиси ҳисобланади.

Қуйидаги методик қўлланмада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва ислом дини ҳақидаги илмларни тарғиб қилишда кутубхоналарга ёрдам бериш мақсади кўзда тутилган. Қўлланмада Пайғамбаримиз ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳам ҳавола этилмоқда.

Ислом дини элчиси

*“Муҳаммад сизлардан бирон киши -
нинг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг
пайғамбари ва пайғамбарларнинг
сўнги- сидир.*

*Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган
зотдир”*

(33-нчи “Аҳзоб” сураси, 40-оят)

Ислом динининг асосий муқаддас китоби Қуръони Каримда 25 нафар пайғамбарлар ва 4 нафар азиз-авлиёлар номи тилган олинган.

Энг биринчи пайғамбар ҳазрати Одам алайҳиссалом ва охиригиси Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳивассаламдирлар.

“Пайғамбар” сўзининг маъноси “хабарчи” бўлиб, форс тилидан олинган. Арабчада “расул” маъноси “элчи”-дир. Яъни пайғамбарлар Аллоҳнинг хабарчи ва элчилари, Аллоҳнинг амрларини, кўрсатмаларини инсонларга етказадиган кишилардир. Араб тилида пайғамбарлар икки хил: “расул” ва “набий” деб номланадилар.

Аллоҳнинг Расули (элчиси) ва пайғамбари, Ислом динининг асосчиси – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, ибн Абдулмутталиб, ибн Ҳошим, ибн Абдуманоф обрўли қурайш қабиласидан бўлиб, милодий 571 йилнинг 21 апрелида фил воқеасидан 54 кун кейин Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилганлар.

Пайғамбаримизнинг боболари – Макка ҳокими ва Каъба муҳофизи Абдулмутталибнинг 10 та ўғли бўлиб, улар Ҳорис, Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба, Ғайдоқ, Зиррор, Абу Лаҳаб, Абдуллоҳ, Ҳамза, Аббослардир. Булардан пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ ва Абу

Толиб, Зубайр, Абдул Каъба бир ота-онадан, бошқалари бошқа онадан.

Абдулмутталибнинг энг суюкли фарзанди Абдуллоҳ 18 ёшга етганида отаси унга 14 ёшли араб қизи – Оминани олиб берганлар. Пайғамбаримизнинг оталари у киши туғилмасларидан 2 ой олдин Шом (Сурия) сафаридан Маккага қайтаётганда, Ҳижоз шаҳарларидан бири Ясриб (Мадина)да касалланиб, ўша жойда 25 ёшда вафот этганлар.

Пайғамбаримизга оталаридан 5 туя, бир сурув қўй ва туғилган уйлари ҳамда Умми Аймон исмли ҳабаш хизматкор мерос бўлиб қолган.

Муҳаммад пайғамбаримиз ота-онадан ягона фарзанд, ака-ука, опа-сингиллари бўлмаган.

Пайғамбаримиз оналари дард тутмасдан, захмат чекмасдан, беозор бўлиб, суннат қилинган, киндиклари кесилган ҳолда туғилганлар. Орқаларида, икки кифтларининг ўртасида, кабутарнинг тухумидек бир аломатлари - холлари бўлиб, бу муборак аломат “муҳри нубувват” (пайғамбарлик муҳри) деб аталади.

Боболари Абдулмутталиб Пайғамбаримиз туғилганларидан 7 кун кейин халққа катта зиёфат – ақиқа қилиб бердилар ва невараларига Муҳаммад деб, оналари Омина эса – Аҳмад деб исм қўйдилар.

Муҳаммад саллалоҳу алайҳивассалам ўзлари ҳақида: “Дарҳақиқат, менинг бир неча исмиим бор: мен – Муҳаммадман, мен – Аҳмадман, мен Моҳийман, яъни мен бирлан Аллоҳ таоло куфрни маҳв қилур. Мен – Ҳоширман, яъни маҳшар куни юриб одамларни йиғурман. Мен – Оқибман, яъни ўзимдан олдин ўтганларнинг яхшилигини давом эттиргувчиман”, деб айтганлар (Имом ал-Бухорий. “Ҳадис”. 3-жилд, 334-бет).

Расулуллоҳ туғилган вақтларида бир қанча ғайриоддий ишлар рўй берган. Каъбадаги бутсанамлар йиқилган, Эрон шоҳи Хусравнинг саройи тебраниб, бутлар йиқилиб

ерга тушиб синган. Оташпарастларнинг минг йилдан бери ёниб турган ўтлари ўчди, Сова кўли тошиб, ўша мамлакатда сув тошқини бўлган.

Бу аломатлар ислом динининг келишидан ер юзидаги гумроҳ халқларни огоҳ қилмоқ учун Ҳақ таоло юборган мужозалар эди аслида.

Муҳаммад алайҳиссалом туғилишларидан 45 кун олдин Яманнинг ҳабаш ҳукмдори Абраҳа катта кўшин билан Маккага ҳужум қилган. Абраҳа Каъбани бузиб ташламоқчи бўлган. Кўшинида филлар ҳам бор эди. Ўшангача араблар филларни кўришмаганди. Шунинг учун улар филлардан кўрқиб, жангга киришга ботинолмай, Каъба олдига келиб ғуж бўлиб олишган. Шунда ҳеч қутилмаган ҳодиса юз берган. Филлар Каъба тарафга юрмасдан тўхтаб қолганлар, уларни қистаб, ҳайдаб Каъба тарафга ҳеч юргизиб бўлмаган. Орқага ёки бошқа тарафга ҳайдасалар югуриб кетганлар. Ана шу воқеа араблар тарихида “фил воқеаси йили” ва йил ҳисоби арабларда шу воқеадан бошлаб қабул қилинган. Қуръоннинг “Фил” сурасида ҳам бу воқеа зикр этилган.

Тангри таолонинг амри билан, барча буюк пайғамбарларнинг энг олий сифатлари, яъни – Одам Атонинг яхши хулқ-атвори, Шиснинг илму дониши, Нухнинг жасорати, Иброҳимнинг шафқати, Исмоилнинг фасоҳати, Исҳоқнинг камтарлиги, Мутнинг фаросати, Яъқубнинг топқирлиги ва эпчиллиги, Юсуфнинг хусн-жамоли, Мусонинг салобати ва сабот-матонати, Юнуснинг ҳалимлиги, Ишаъённинг устуворлиги, Довуднинг хайрихоҳлиги, Дониёлнинг меҳри ва қалби, Илёснинг олижаноблиги, Яҳённинг мусаффолиги, Ийсонинг тақводорлиги бу буюк зотда мужассам бўлган.

Пайғамбаримизни оналари 7 кун эмизганлар. Сутлари етмаганидан бир қанча вақт Расуллулоҳнинг амакилари Абу Лаҳабнинг озод этилган чўриси Сувайба эмизган.

Сувайба Расули Акрамнинг бошқа бир амакилари Ҳамзани ҳам эмизгани учун, Ҳамза Расуллулоҳ билан кўкалдош биродар бўлди.

Арабларнинг ўша вақтдаги одатларига кўра, ўзига тўқ оилалар янги туғилган чақалоқнинг соғлом ўсиши, ақлли-заковатли бўлиши учун, шаҳар ташқарисига, эмизадиган аёлларга - сут онага бериб тарбия қилишган.

Ана шу одатга кўра Расули Акрамни Ҳорис номли кишининг хотини – Саъд ибн Бакр қабиласидан бўлган Ҳалима деган аёл тарбиясига бердилар. Бу аёл Муҳаммад алайҳиссаломни 5 ёшга етгунча тарбиялаганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳалиманинг тарбиясида юрган кезларида инсон ақлига сиғмайдиган ғоят сирли ходиса юз берган. Кунлардан бир куни, пайғамбаримиз 4 яшарлик чоғларида, бадавий араб болалари билан яйловда кўй, эчки, қўзиларни боқиб юрганларида, икки фаришта келиб, Муҳаммадни ерга ётқизиб, кўкракларини ёриб, юракларига қора нукта-аммора-шайтон васвасини олиб ташлаб, юракларини нурга тўлдириб кетишган. Шу кундан эътиборан Пайғамбар алайҳиссалом инсонни йўлдан оздирувчи шайтоний ҳою ҳаваслардан халос бўлган эканлар.

Бу воқеадан кейин Ҳалима қўрқиб кетиб, Пайғамбаримизни оналари Оминага олиб келиб топширади. 4 ёшдан 6 ёшларгача Муҳаммад алайҳиссалом оналари тарбияларида бўлганлар.

Шундан кейин Омина эрининг қабрини зиёрат қилиб, Абдуллоҳнинг тоғаларини йўқлаб келиш учун, ўғли Муҳаммад ва хизматкори Умми Айман билан бирга Ясрибга (Мадинага) бордилар.

Қайтишда Макка ва Мадина шаҳарлари оралиғидаги Абво деган қишлоққа етиб келганларида, Омина бетоб бўлиб қолиб, эндигина 6 ёшга кирган фарзандини чўрилари Умми Айманга топшириб вафот этганлар. Пайғамбаримиз чўрилари билан Маккага қайтиб келадилар. Ота ва онадан

ажралган Муҳаммад алайҳиссалом боболари Абдулмутталибнинг қўлларида ва тарбияларида ўсиб, 8 ёшга етдилар.

“Ҳар бир туғилган киши – ўлимдир охириги иши” деганларидек, Абдулмутталиб ҳам ёш набираси Муҳаммадни ўғли Абу Толибга топшириб, ёруғ дунё билан видолашганлар. Абу Толиб Муҳаммадни ўз бағрига олди ва тарбиялаб вояга етказди, кўп меҳрибонликлар қилиб, уни доим ўз химоясида тутган.

Биринчи марта Пайғамбаримиз амакилари Абу Толиб билан 12 ёшларида тижорат мақсадида Сурияга сафар қилганлар. Карвон Сурияга етмасдан Басра деган кичик шаҳарчада тўхтади. Басрада насоро динидаги Бухайро лақабли, Жиржис (Георгий) исмли бир роҳибга дуч келганлар. Бухайро кўрдик, карвон билан бирга осмонда уларга соя ташлаб бир булут ҳам келяпти. Карвон бир дарахат остида дам олиш учун тўхтаганида булут ҳам улар устида тўхтаб, соя ташлаб турибди. Узоқ вақт қуриб ётган дарахт ўша заҳоти жонланиб, яшил тус ола бошлаган.

Роҳиб Бухайро Таврот, Инжилда зикр этилган араблар орасидан чиқадиган пайғамбарнинг яқин орада келишини билар эди. Шунинг учун бу воқеани кўриб карвондагилардан пайғамбар ҳақида сўради. Муҳаммад алайҳиссалом билан суҳбатлашди. Бир баҳона билан ҳазратнинг орқаларини очиб, икки елкалари орасидаги кабутар тухумидек келадиган холни – пайғамбарлик белгисини кўрди, камоли одоб билан ўпди ва деди: “Эй Абу Толиб! Бу бола пайғамбарларнинг охиригисидир, Шом яҳудийлари орасида унинг сифат ва аломатларини биладиган коҳинлар – сеҳржоду ишлари билан ҳам шуғуллана оладиган, инс-жинслар билан муомала қилиб, гаплаша оладиган руҳонийлар бор. Улар араблар орасидан чиқадиган пайғамбарни кутишяпти. Суиқасд уюштириб, болани нобуд қилишлари мумкин. Сен уни зинҳор Шомга олиб борма, бу ердан тезроқ кет”.

Шу суҳбатдан сўнг Абу Толиб молларини шу ерда сотиб катта даромад қилди ва дархол орқага қайтди. Пайғамбаримиз амакилари билан тижорат ишлари юзасидан Яманга ҳам сафар қилганлар. 25 ёшларида дўстлари Абу Бақр Сиддиқ ва Хадичаи Кубронинг хизматкори Майсара билан Шомга тижорат мақсадида кетаётганларида, бу гал ҳам бир роҳиб пайғамбар билан суҳбатлашиб охир замон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом эканлигини билиб, Шом шаҳрига кирмасликни, пайғамбарга зиён-заҳмат етиши мумкинлигини Майсарага айтган. Улар шу ернинг ўзида савдоларини охирига етказиб, катта даромад кўришиб орқага қайтганлар.

Хадича Муҳаммад билан қилган бу шерикчилик ишида катта даромад кўрган, хизматкоридан бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, Расули акрамнинг яхши фазилатларини билган. Шундан кейин Хадича, инсонлар сарвари бўлган у зоти муборакка чин дилдан кўнгил қўйган.

Пайғамбаримиз йирик суякли, гавдали, ўрта бўйдан бироз баландроқ, чайир, хушбичим, чиройли инсон бўлганлар. Сочлари кулоқ юмшоғигача тушар эди. У киши умрларида тўрт маротаба соч олдирганлар, сочларини саҳобалари табаррук айлаб бўлишиб олишган. Ранглари оқ, кўзлари қора ва каттароқ, қошлари қуюқ ва қора, бошлари каттароқ, соқоллари қора, бурунлари қиррали ва текис, кўкраклари кенг, семиз ҳам, ориқ ҳам эмасдилар.

Хуллас, гўзал юзли, гўзал вужудли эдилар. Пайғамбарларда ўттиз йигитнинг кучи бўлади деганларидек, у зот жисмонан соғлом ва бақувват эканлар.

Олдиндаги нарсаларни қандай кўрсалар, орқадаги нарсани ҳам шундай кўрар эдилар. Йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврларида Жаброил алайҳиссалом билан 24 минг марта кўришганлар.

Пайғамбаримизнинг товушлари жуда ўткир, узоқ-узоқларга етар экан. Шу қадар дона-дона гапирар экан-

ларки, эшитганлар у кишининг сўзларини бемалол ёдлай оларди.

Ҳамма билан ҳурмат-эҳтиромли бўлиб, муомала қилар эканлар. Расулulloҳнинг энг ёмон кўрганларидан бири ёлгон эди, ёлгончилардан ниҳоятда нафратланардилар.

Ҳадича Пайғамбаримизга кўнгили қўйгандан сўнг орага Нафиса бинти Муния деган хотинни воситачиликка қўйган. Муҳаммад алайҳиссалом амакилари Абу Толиб билан маслаҳатлашиб, у кишининг қўллаб-қувватлашлари натижасида улар турмуш қуришди. Никоҳ маросими Ҳадичанинг уйида бўлиб, никоҳлик маҳри сифатида Ҳадичага 500 олтин, баъзи маълумотларга қараганда 20 та туя ҳам берилган.

Пайғамбаримиз Ҳадичага уйланганларида 25 ёшда, Ҳадича 40 ёшда, бой, чиройли одобли ва ифбатли маккалик бева аёл бўлган. Ҳадича Ҳувайлид қизи қурайш қабиласининг Бани Асад уруғидан бўлган. Унинг аждоди Пайғамбаримизнинг аждодлари билан Қусайи ибн Килобда бирлашади.

Пайғамбаримиз билан Ҳадичанинг 2 ўғил, 4 қиз фарзандлари бўлган, ўғиллари – Қосим, Абдуллоҳ (уни Тохир, Тоййиб деб ҳам аташган), қизлари Руқия, Зайнаб, Умму Қулсум ва Фотима. Кейинги хотинлари Мориядан Иброҳим ўғиллари туғилган. Пайғамбаримизнинг Фотимадан ташқари барча фарзандлари ўзларидан олдин вафот этиб кетишган, Фақатгина Фотима отасидан кейин яна 6 ой яшаб вафот этган.

Ҳазрати Пайғамбаримизга 40 ёшларида набийлик, бироздан сўнг эса расуллик келган. Тангри таоло томонидан илоҳий ваҳий юборилган пайғамбарга “набий”, илоҳий ваҳий билан бирга, илоҳий ҳукмларни умматига билдирган, етказган пайғамбарларга “расул” дейилади.

Расули Акрам Маккадан 3 мил – 1 соатлик йўл масофада жойлашган Ҳиро-Нур тоғига борар, у ердаги

ғорда бир неча ой муроқабага (қалбан Худого йўналган) кетар ва Иброҳим алайҳиссалом мақомларида якка Тангри таолога ибодат қилиб ётар эди.

Муҳаммад алайҳиссаломга биринчи бўлиб нозил бўлган нарса бу рост-чин тушлар эди. У зотнинг кўрган тушлари жуда тиниқ, аниқ эди, воқеалар гўё тушда эмас, балки ўнгда содир бўлаётгандек бўлар эди. Бу ҳол у зотни пайғамбарликка тайёрлаш эди.

Расулulloҳ Ҳиро тоғининг ғорида эканларида қошларига бир фаришта келиб: “Иқроъ!” (Ўқингиз) деди. Расулulloҳ: “Ма ана биқорийн” (Мен ўқиёлмайман) дедилар. Шунда фаришта ул зотни ушлаб, қучоқлаб қаттиқ қисди, кейин бўшатиб, яна: “Иқроъ!” деди. Муҳаммад алайҳиссалом яна: “Ма ана биқорийн”, дедилар. У учинчи бор яна шундай қаттиқ қисдики, ҳатто ул зотнинг суяклари қисирлаб кетиб, ҳолсизланиб қолдилар. Сўнг у яна Муҳаммад алайҳиссаломни бўшатиб: “Эй Муҳаммад, бутун мавжудотни яратган Парвардигор номи билан ўқингиз, у инсонни лаҳта қондан яратди. Ўқингиз, парвардигорингиз инсониятга қалам билан ёзишни ўргатади” деган мазмундаги оятларни ўқиганлар. Бу Муҳаммад алайҳиссаломга оламларни яратган Парвардигордан келган ваҳий эди. Бизга маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг саводи умуман бўлмаган, ёзишни билмаганлар, ҳеч қаерда таҳсил олмаганлар.

Шундан сўнг Хадича онамиз Муҳаммад алайҳиссаломни амакиларининг ўғли Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб борадилар. Варақа насроний динида бўлиб, хат-саводли, Инжилни арабчага ўгириб ёзар эди. Воқеани тушунтириб, у ҳазрат Жаброил алайҳиссалом эканлигини, Мусо алайҳиссаломга ҳам ваҳий келтирганлигини, Муҳаммад охир замон пайғамбар эканлигини айтиб маслаҳатлар берганлар.

Исломиё ҳидоятининг бутун инсониятга қарата айтган илк хитоби “Ўқи!” амридир. Илк нозил бўлган оятлар “Алоқ” сурасининг дастлабки беш ояти эди.

Ислом дини – мусулмонликни қабул қилганларнинг биринчиси ҳазрати Расулуллоҳнинг хотини Хадичаи Кубро, эркаклардан биринчиси Абу Бакр Сиддиқ, болалардан ҳазрат Али, озод бўлган қуллардан Зайд ибн Ҳорис бўлдилар.

Ана шулар Расулуллоҳнинг илк умматлари ва ёрдамчилари эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам ҳақида Аллоҳ таоло ўзининг каломи бўлган Қуръони Каримда қуйидаги ояти карималарини нозил қилган: “(Эй Муҳаммад), шундай қилиб, Сизни (кўпдан-кўп) умматлардан кейин келган бир умматга – улар Мехрибон (Аллоҳ)ни инкор қилиб турган ҳолларида - (Биз) Сизга ваҳий қилган нарсаларни тиловат қилиб беришингиз учун пайғамбар қилиб юбордик. Айтинг: “У менинг Раббимдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унгагина таваккул қилдим ва тавбам Унгагинадир”! (13-чи “Раъд” сураси, 30-оят).

“Оламлар (инсонларга ва жинлар)га огоҳлантиргувчи бўлиши учун ўз бандаси (Муҳаммад) га Фикрон (Қуръон)ни нозил этган Зот барокотли (буюк)дир”. (25-чи “Фурқон” сураси, 1-оят).

...насл-насаблари

Оталарининг исми – Абдуллоҳ, оналарининг исми – Омина. Абдуллоҳнинг отаси ва унинг аждодлари тартиб бўйича қуйидагилар:

Абдулмутталиб (онаси – Фотима ибн Умар ибн Ваҳб); Ҳошим (онаси – Салмо ибн Амр); Абдуманоф (онаси – Отика ибн Мурра); Қусай (онаси - Ҳубба ибн Ҳулайл); Ҳаким-Килоб (онаси – Фотима ибн Саъд); Мурра (онаси – Ҳинд ибн Сарир); Каъб (онаси-Ваҳшия ибн Шайбон); Луай (онаси – Мория ибн Каъб); Ғолиб (онаси – Салмо ибн Амр); Фихр - Қурайш (онаси – Лайло ибн Саъд).

Ривоятларда Фихр Курайшнинг ўзи, курайшлар Фихрнинг авлоди дейилади. Курайш қабиласи 12 жамоадан иборат бўлган:

1) Абдуманоф жамоаси; 2) Абдуддор ибн Қусайй жамоаси; 3) Асад ибн Абдулуззо ибн Қусайй жамоаси; 4) Зухра ибн Килоб жамоаси; 5) Маҳзум ибн Яқиза ибн Мурра жамоаси; 6) Тайм ибн Мурра жамоаси; 7) Адийй ибн Каъб жамоаси; 8) Саҳм ибн Ҳусайс жамоаси; 9) Омир ибн Луай жамоаси; 10) Тайм ибн Ғолиб жамоаси; 11) Ҳорис ибн Фихр жамоаси; 12) Муҳариб ибн Фихр жамоаси.

Фихрдан кейингилари: Молик (онаси - Жандала ибн Ҳафс); Надр (онаси – Отика ибн Адвон); Кинона (онаси – Барра ибн Мурр ибн Од); Ҳузайма (онаси – Авона ибн Саъд); Мудрика (онаси - Салмо ибн Аслам); Илёс (онаси-Ҳиндаф); Музар (онаси- Рабоб Жунда ибн Маъд); Низор (онаси-Савдо Акна кизи); Маъд (онаси-Муона ибн Жавшам); Аднон ва ҳоказо.

Қискаси, Расулуллоҳнинг насл-насаби Иброҳим алайҳиссаломнинг араблашган ўғли Исмоил алайҳиссаломга бориб туташади. Аллоҳ таоло Расулуллоҳнинг адждоларини жоҳилият давридаги нопок ишлардан, бузукликлардан, разолатдан ўз ҳифзу ҳимоясида асраган.

... завжалари

Диний китобларда қайд этилишича, Пайғамбаримизнинг 12 нафар хотинлари бўлиб, улардан ҳазрат Ойишадан бошқалари бева аёллар бўлган. Ёлғиз ҳазрат Ойишанигина бокира, қиз ҳолида олганлар. Пайғамбаримиз ҳаётликларида улардан уч нафари – Хадичаи Кубро, Савда бинт Замъа ва Зайнаб бинт Ҳузайма вафот этиб кетишган, тўққиз нафари Пайғамбаримиздан кейин қолганлар.

Етти фарзандларидан олтитасини ҳазрат Хадичаи Кубро, биттасини Мория исмли хотинлари туккан. Фарзандларидан Фотимадан бошқа барчаси Пайғамбаримиз ҳаётликларида вафот этиб кетишган бўлиб, ёлғиз қизлари

Фотимадан зурриёт тарқалгандир. Фотима Пайғамбаримиздан олти ой кейин вафот этганлар.

Хадичаи Кубро

Кўз очиб кўрган биринчи хотини Хадичаи Кубро (556 – 621), яъни – Хадича бинти Хувайлид бўлган. Ҳазрат Пайғамбаримиз биринчи маротаба 25 ёшларида, 40 ёшлик бева Хадича Хувайлид қизига уйланиб, 25 йил, яъни 50 ёшларигача бирга яшаганлар. Пайғамбарликларидан аввал 15 йил, пайғамбарликларидан кейин 10 йил жами 25 йил бирга тотув ҳаёт кечирганлар.

Ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган, Пайғамбаримизнинг орқаларида туриб биринчи намоз ўқиган ҳам ягона ана шу аёл эди.

Хадича онамизнинг никоҳ маҳрлари 500 олтин ва 20 та туя бўлган.

Ҳазрат Хадича бой савдогар аёл бўлиб, Пайғамбаримиздан аввал икки марта турмуш қурган эдилар. Биринчи эрлари Атийқ ибн Ҳинд Обид, иккинчи эрлари Абу Ҳола Ҳинд ибн Набаша бўлган. Улар вафот этиб кетишган бўлиб, Хадичанинг у эрларидан икки ўғил ва бир қизлари бўлган. Пайғамбаримиз Хадичага уйланганларидан кейин унинг ўғли Ҳолани ўзларига ўғил қилиб олганлар.

Ҳазрат Хадичаи Кубро 556 йилда туғилиб, 621 йил, 65 ёшларида вафот этганлар. Макканинг Ҳажжун деган жойига дафн этилганлар.

Савда бинти Замъа

Пайғамбаримиз, хотинлари Хадича вафот этганларидан сўнг Сакрон ибн Амр ал-Ансорийни беваси, 55 ёшли Савда бинт Замъага (572 – 632) уйландилар.

Бу аёл ислом йўлида ўз аҳли қариндошларини тарқ этиб, турли қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечириб, эри билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган ва бу билан ўзини кучли, бообрў қариндошларини дарғазаб қилган эди. Ҳижратдан қайтгач, эри Сакрон вафот этди. Савданинг

химоячиси, кўмакчиси, қарагувчиси қолмагач, Пайғамбаримиз уни ўз химояларига ва никоҳларига олиб унга уйландилар. Савда Пайғамбаримиз билан 5 йилга яқин бирга турди, 632 йили 60 ёшларида вафот этди.

Ойиша Сиддиқа

Савда бинт Замъа вафотларидан кейин ҳазрат Пайғамбаримиз ёлғиз қолдилар. Шундан сўнг дўстлари ва ёрдамчилари Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Ойишага уйландилар (Имом ал-Бухорий. “Ҳадис”. Қомуслар Бош таҳририяти, 1997, 2-жилд, 573-бет). Ҳазрат Пайғамбаримиз олган хотинларидан бирдан-бир бокира қиз шу Ойиша онамиздир. Ойиша ҳусну жамолда, ақлу камолда етук эдилар. Ҳазрати Ойиша онамизнинг “Сиддиқа” дейилишига сабаб ул зот бўхтон масаласида исмати – поклиги, номуси ва бароати, софлигини намоён этганлар. Бу ҳақда махсус оят ҳам нозил бўлган ва Расулulloхнинг хизматларидан садоқатлари, дин ишларидаги билимдонликлари туфайли “сиддиқа” деб лақаб берилган ва Ойишаи Сиддиқа деб аталганлар. Пайғамбаримиз охириги нафасларини ана шу онамиз кучоғида олиб туриб дунёдан ўтдилар ва унинг хужрасига дафн этилдилар.

Ҳазрат Ойиша онамиз милодий йилнинг 612 йили Маккада туғилиб, 677 йили 65 ёшларида Мадинада вафот этдилар. Жанозаларини саҳобалардан Абу Ҳурайра ўқиди. Қабрлари Мадинанинг Бақиъ гўристонидадир.

Ҳафса бинт Умар

Пайғамбаримизнинг тўртинчи хотини – дўстлари ва ёрдамчилари, чорёрларнинг иккинчиси ҳазрат Умар ибн Хаттобнинг қизи Ҳафса бинт Умар эди. Унинг биринчи эри Ҳунайс ибн Ҳузофот ул-Ансорий ислом йўлидаги жиҳодда вафот этганидан кейин ҳазрат Пайғамбаримиз унинг шаҳид бўлган эрини ҳурматлаб, ёрдам қилиб, дўстлари ҳазрат Умарнинг мусибатларини енгиллаштириш мақсадида

Ҳафсани ўз қарамоғларига олиб, уйландилар. Шунда Ҳафса онамиз 35 ёшда эдилар.

Ҳазрати Ҳафса милодий 602 йили туғилиб, Пайғамбаримиздан анча кейин – Муовия халифалиги даврида 665 йили 63 ёшда вафот этган.

Зайнаб бинт Ҳузайма

Расули акрамнинг бешинчи хотини – Ҳузайма қизи Зайнаб эди. У Бани Халил қабиласидан бўлиб, биринчи эри билан ажрашган, иккинчи эри – Абдуллоҳ ибн Жаҳш эса Уҳуд ғазотида шаҳид бўлган эди. Пайғамбаримиз ҳижратнинг учинчи йили ҳазрат Зайнаб бинти Ҳузаймани ўз ҳимояларига олиб, унга уйландилар. Зайнаб ўрта ёшли бўлиб, чиройли эмасди, лекин марҳаматли, ажойиб аёл эди. Улар бирга кўп яшамадилар, Зайнаб Пайғамбаримизга турмушга чиққанларидан уч йил кейин, 625 йили вафот этди. Мозорлари Мадинанинг Бакиъ қабристонидадир.

Умму Салама

Сарвари коинотнинг олтинчи хотини Умму Салама бинт Абу Умайя. Унинг асл исми Ҳинд эди.

Умму Саламанинг аввалги эри Абуласад ўғли Абдуллоҳ Абу Салама жуда жасур одам эди. У хотини билан биргаликда ислом йўлида аввал Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага ҳижрат қилганди. Бадр ва Уҳуд ғазотларида қатнашиб, қаттиқ яраланди, ҳижратнинг 4-йили вафот этди.

Эри ўлганидан кейин идда муддатини ўтказиб, унга уйланиб ўз ҳимояларига олдилар. Расули акрам унга уйланганларида Умму Саламанинг ёши ўтиб қолган, 5-6 нафар болалари ҳам бор эди.

Ҳазрат Пайғамбаримизнинг ҳамма хотинлари ичида Умму Салама энг узоқ яшаб, ҳаммаларидан кейин вафот этган. Яъни ҳижратнинг 59-йили 84 ёшда дунёдан ўтиб, Мадинада Бакиъ қабристонида дафн этилган.

Зайнаб бинт Жаҳш

Расуллулоҳнинг хотинларидан бири Жаҳш қизи Зайнабдир. Зайнаб бинт Жаҳш яқин қариндошлари – аммалари – Умайманинг қизи, боболари Абдулмутталибнинг невараси бўлиб, 589 йили туғилган.

Расули акрам Зайнабни озод қилган қуллари ва тутинган ўғиллари – Зайд ибн Ҳорисга шахсан ўзлари никоҳлаб берган эдилар. Зайнабнинг ўзи ва акаси Абдуллоҳ ибн Жаҳш бу никоҳга, Пайғамбаримизнинг қистовлари туфайли, истар-истамас, зўрға рози бўлдилар. Аммо бу турмушдан икки томон ҳам хушнуд бўлмади. Зайнаб жуда диндор бўлса-да, олийнасаблиги, гўзаллиги билан фахрланиб юрарди. Озод қилинган кул билан ҳаёт кечиришни ҳеч ҳам ҳазм қила олмади. Муносабат тобора кескинлаша бориб, ниҳоят улар ажрашдилар.

Зайнаб бинт Жаҳш, Пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин оламдан ўтган илк хотини бўлди. Ҳазрат Зайнаб кафанини ўзи ҳозирлаган, ҳижрий 21, милодий 642 йилда ҳазрати Умар замонида 53 ёшида вафот этди ва Мадинадаги Бақий қабристонига қўйилдилар.

Умму Ҳабиба

Пайғамбаримизнинг яна бир хотинлари ҳазрати Умму Ҳабиба эди. Унинг асл исми Рамла бўлиб, Ҳабиба исмли қизи бўлганлиги учун Умму Ҳабиба (Ҳабибанинг онаси) деган ном олган.

Умму Ҳабиба қурайшийларнинг бошлиғи, Уҳуд ва Хандақ жангларида мушрикларга бош қўмондонлик қилган машҳур Абу Сўфиённинг қизи, кейинчалик халифа бўлган – Муовиянинг опаси эди. Абу Сўфиён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб Расуллулоҳнинг амакиваччаси эди.

Бурунги эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан иккинчи ҳижратда Ҳабашистонга кетган эди. Эри Убайдуллоҳ муртад бўлиб, у жойда христиан динига кирди. Умму Ҳабиба эса мусулмонликда собит қолиб, эридан ажралди.

Умму Ҳабиба юксак мартабали аёл бўлганлиги учун бошқа киши билан турмуш қура олмади, кимсасиз қолди, ҳимояга муҳтож бир аҳволга тушди. Отаси эса хануз исломни қабул қилмаган. Муслмонларнинг ашаддий душмани эди. Бинобарин, у отаси ёнига ҳам қайтолмас эди. Расули акрам вазиятни тўғри баҳолаб, ҳижратнинг 7-йили ўзларининг никоҳларига – ҳимояларига олдилар.

Умму Ҳабиба милодий 595 йил туғилган. Пайғамбаримизга турмушга чиққанларида 37 ёшда эди. Ҳижрий 44 йил, милодий 664 йилда 69 ёшида вафот этган.

Жувайрия бинт Ҳорис

Сарвари оламнинг хотинларидан яна бири Жувайрия бинт Ҳорис ибн Зирордир. Жувайриянинг отаси Ҳорис, Бани Мусталиқ қабиласининг бошлиғи эди. Аввалги эри Бани Мусталиқдан Мусафиъ ибн Сафвон эди. Расули акрам Бани Мусталиққа қарши олиб борган Мурайсий ғазотида унинг эри ўлган, ўзи эса асирлар орасида қолган эди. Асирга олинганлар 200 дан ошиқ оила бўлиб, улар ғозий аскарларга тақсим қилингандилар. Бу қabila араблар орасида катта обрўга эга эди. Лекин Расулуллоҳ уларни озод қилишни истасалар ҳам, бу иш ўша даврдаги уруш қонунларига тўғри келмас эди. Асирлар эгаларига бир миқдор пул бериб, озод бўлишлари мумкин эди. Бироқ, Жувайрияни ёнида етарли миқдорда пули бўлмаганидан Расули акрамга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Фидясини тўладилар. Асирликдан қутулганидан кейин, ўз хоҳиш-истаги билан Расулуллоҳга никоҳландилар. Шундан кейин Пайғамбаримиз бу қабиллага куёв бўлиб қолдилар. Буни кўриб, аскарлар, Пайғамбаримизнинг ҳурматидан олган асирларининг барини озод қилиб юбордилар ва бу қабиланинг кўпчилиги иймон келтириб муслмон бўлдилар. Озод қилинган қул, жорияларнинг умумий сони 700 га яқин эди. Шунда Ойиша онамиз: “Жувайрия қандай бахтли хотин ўзи! Расуллулоҳнинг

никоҳига кирди – бутун қавмини қулликдан қутқарди”, дедилар.

Ҳазрати Жувайрия ҳижрий 66, милодий 686 йили 65 ёшида Мадинада вафот этди ва Бақиъ қабристонига кўмилди.

Сафия бинт Ҳуйя

Расулulloҳнинг хотинларидан бири–ҳазрат Сафия бинт Ҳуйя ибн Ахтаб 605 йили туғилган. Отаси Бани Назир қабиласининг бошлиғи, онаси эса Бани Қурайза қабиласи бошлиғининг қизи эди. Сафиянинг эри ҳам, отаси ҳам, акаси ҳам Хайбар жангида ўлган эдилар. Хайбар қалъалари фатҳ қилинганда асирлар орасида Сафия ҳам бор эди. Сафиянинг насаби Ҳорун алайҳиссаломга бориб туташганидан ва ўзи ақлли, фазилатли эканлигидан Расулulloҳ уни хурмат қилдилар ҳамда яҳудийлар ва мусулмонлар орасидаги душманликни юмшатмоқчи бўлиб, уни озод қилдилар ва ўзига уйландилар. Ҳазрат Сафия ҳижрий 50 йил, милодий 670 йилида 65 ёшида Мадинада вафот этди ва Бақиъ қабристонига кўмилди.

Мория Қибтия

Пайғамбаримизнинг хотинларидан бири ҳазрат Мориядир. Ҳижратнинг 7-йили, Миср ҳукмдори Расули акрамга юборган ҳадялари орасида христиан динидаги икки мисрлик жория бўлиб, улардан бири Мория, иккинчиси Сирин эди. Улар Мадинага келаётиб йўлда мусулмонликни ўрганишди ва мусулмон бўлишди, жорияликдан чиқишди. Пайғамбаримиз ҳадяларни қабул қилиб, улардан Морияни ўз никоҳларига олдилар. Мориядан ўғиллари Иброҳим туғилгач, Миср халқи Иброҳимга тоға бўлиб қолишди. Бу иш кейинги Византия урушида мисрликларнинг бетараф бўлиб қолишларига сабаб бўлди. Мориядан туғилган Иброҳим, араб одати бўйича, бир сут берувчи онага берилди. Бу Морияни хур ва асл бир хотин эканини кўрсатди.

Ҳазрат Мория ҳижратнинг 16, милодий 637 йили вафот этди.

Маймуна бинт ал-Ҳорис

Расулulloҳнинг бошқа бир, охирги хотинининг исми Маймуна бинт ал-Ҳорисдир.

Ҳижратнинг 7-йили охирларида, Умранинг қазосини қилиш учун Маккага борганларида Маймуна Расулulloҳга турмушга чиқиш истагини билдирди. Бу билан у ўзини Расули ақрам хизматларига бағишламоқчи бўлди. Унинг орзуси рўёбга чиқарилди. Расули ақрамнинг энг сўнгги никоҳланган хотини ҳазрати Маймуна бўлди. У Ухуд ғазотида шаҳид бўлган амакилари Ҳамзанинг тул қолган хотини эди. Аввалги эрининг номи Абу Раҳм ибн Абдулуззо эди.

Маймуна Пайғамбаримизнинг амакилари ҳазрат Аббоснинг қайинсингиллари, яъни хотини Умму Фазлнинг синглиси эди. Уни исми аслида Барра эди, сўнгра пайғамбар алайҳиссалом унга Маймуна деб ном бердилар.

Ҳазрати Маймуна Пайғамбаримизга турмушга чиққанларида камбағал, ёши 50 дан ошга хотин эди. Ҳижратнинг 51, милодий 671 йили вафот этди.

Пайғамбаримизнинг бу ўн икки хотинларидан бошқа яна тўрт хотинлари бўлганки, улар Расули ақрам билан озгина яшаган ёки никоҳ қилиниб, лекин қўшилмасдан олдин ажрашган аёллардир. Булардан ташқари, яна уч нафар жориялари ҳам бўлган. Улардан бирини хотинлари Зайнаб Расулulloҳга ҳадя қилиб берган.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотлари

Қуръони Каримнинг охирги оятлари нозил бўлгач, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарликнинг ниҳоясига етганини, ҳамда шу сабабли умрлари ҳам охирлаб қолганини сездилар.

Пайғамбаримиз ҳижратнинг 11 йили, милодий 632 йил, сафар ойининг ўн тўққизинчисида завжаи муҳтарамаси Маймунанинг хонасида безгак (хумма) касалига чалинди-

лар. Беш кундан сўнг завжаи мухтарамаси ҳазрати Ойишанинг хонасига ўтдилар. Бу ерда яна саккиз кун хасталиклари давом этди, жами ўн уч кундан сўнг, рабиъ ул-аввал ойининг биринчи куни, душанба, куёшнинг заволидан кейин, ботишидан олдин вафот этдилар, чоршанба куни эса, яшаб турган, яъни Ойиша онамизнинг хужрасига дафн қилинди.

Бу кунни милодий йил ҳисоби бўйича баъзи манбаларда 632 йил 27 май, баъзиларида 5 июн, 8 июн ва бошқаларида эса 11 июл кунига тўғри келишлиги ёзилган. Қамарий йилни шамсий йилга ўгирганда албатта озми-кўпми фарқ бўлади.

Ана шу ҳақиқатларга асосланган ҳолда, жаноби Пайғамбаримизнинг таваллудлари милодий йил ҳисоби бўйича 571 йил 21 апрел, вафотлари 632 йил 8 июн деб олсак, катта хатога йўл қўймаган бўламиз.

Вафот этадиган кунлари, яъни душанба куни, қизлари Фотима ва хотинлари ҳазрати Ойиша Расулуллоҳнинг бош томонида турар, Фотима оталарининг изтиробларидан таъсирланиб хўнг-хўнг йиғлар эди. Расулуллоҳ унга қараб: - Қизим, кўзичоғим, отажонинг бугундан кейин ҳеч изтироб тортмайди, деб қизларига тасалли бердилар. Тез-тез: Ла илаҳа иллаллоҳ! Ўлимнинг шиддатларига ўзинг сабр бер, ё Раббий! Ўлим қўрқувларига дош бермоғим учун ёрдам бер! – деб такрорлар ва яна: Аллоҳим мени афу эт! Мени рафиқи аълога (ўтган пайғамбарларга, солих зотларга) етказгин! – деб дуо қилар эдилар.

Бу дуоларни уч мартадан қайтарганларидан кейин қўллари ерга тушди, кўзлари шифтга тикилганича қолди. Бу кун юқорида айтилганидек, хижрий 11 йил рабиъ ул-аввал ойининг 1 куни, милодий 632 йилнинг 8 июн душанба куни бўлган эди. Расули акрам бу кунда қамарий йил ҳисобида роппа-роса 63 ёшда, шамсий йил ҳисобида 61 ёшда эдилар.

“Ислом дини элчиси” мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи

Юқоридаги мавзу бўйича китобхонлар конференциясини ўтказиш учун анча олдин тайёргарлик кўрилади. Кутубхонага, ташкилот, жамоа, олий ўқув юртларига, мактаб ва коллежларга эълон ёзилиб, иштирок этувчи китобхон ва меҳмонларга таклифномалар юборилади. Оммавий ахборот воситалари орқали ўтказиладиган конференция тўғрисида хабар бериш мумкин.

Конференция учун аудитория танлаб безатилади. Конференцияни кутубхона ходими ёки фаол китобхон олиб бориши мумкин. Конференция давомида китобхонлардан ва иштирокчилардан ўзларини қизиқтирган саволлар ва фикр-мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференция қизиқарли ўтиши учун ислом дини ва пайғамбаримиз ҳақидаги ривоят, ҳикоя ва Қуръони Каримдан намуналар ўқиб бериш мумкин.

Бундан ташқари конференция бўлиб ўтадиган жойда, конференция мавзусига тегишли адабиётлар кўргазмаси ташкил қилиш мумкин. Кўргазма олдида адабиётлар обзорини ҳам ўтказиш ва конференция иштирокчиларга шу мавзудаги янги китобларни тавсия қилиш мумкин.

“Охир замон пайғамбарини биласизми?” мавзуида китобхонлар беллашуви

1. Қуръони Каримда нечта пайғамбарлар номи тилга олинган?

(Ислом динининг асосий муқаддас китоби Қуръони Каримда 25 нафар пайғамбарлар ва 4 нафар азиз-авлиёлар номи тилга олинган).

2. Муҳаммад алайҳиссалом қачон ва қаерда туғилганлар?

(Аллоҳнинг Расули ва пайғамбари, ислом динининг асосчиси – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, ибн Абдулмутталиб, ибн Ҳошим, ибн Абдуманоф обрўйли курайш қабиласидан бўлиб, милодий 571 йилнинг 21 апрелида фил воқеасидан 54 кун кейин Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилганлар).

3. Пайғамбаримизнинг ота-оналари ҳақида нималарни биласиз?

(Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ Макка ҳокими ва Каъба муҳофизи Абдулмутталибнинг ўғли, у 18 ёшга кирганда 14 ёшли араб қизи Оминага уйланган. Омина пайғамбаримизнинг оналари бўлиб, у киши Мадиналик бўлган).

4. Пайғамбаримизнинг нечта фарзандлари бўлган?

(Пайғамбаримизнинг 7 та фарзандлари бўлган. 3 ўғил, 4 қиз. 2 ўғил ва 4 қизи у кишининг биринчи хотинлари Хадичадан, 1 ўғиллари кейинги хотинлари Мориядан туғилган).

5. Фил воқеасини биласизми?

(Айтишларича, Муҳаммад алайҳиссалом туғилишларидан 45 кун олдин Яманнинг ҳабаш ҳукмдори Абраҳа катта қўшин билан Маккага ҳужум қилган. Абраҳа Каъбани бузиб ташламоқчи бўлган. Қўшинида филлар ҳам бор эди. Ўшангача араблар филларни кўришмаганди. Шунинг учун улар филлардан қўрқиб, жангга киришга ботинолмай, Каъба олдига келиб ғуж бўлиб олишган. Шунда ҳеч қутилмаган ҳодиса юз берган. Филлар Каъба тарафга юрмасдан тўхтаб қолганлар...)

6. Пайғамбаримиз қандай аломат билан туғилганлар?

(Пайғамбаримиз оналари қийналмасдан, суннат қилинган, киндиклари кесилган ҳолда, орқаларида, икки кифтларининг ўртасида кабутарнинг тухумидек бир аломатлари – холлари бўлиб, бу муборак аломат-пайғамбарлик муҳри билан туғилганлар).

7. Пайғамбаримизни эмизган чўри ким?

(Пайғамбаримизни оналари 7 кун эмизганлар, у кишининг сутлари етмаганидан сўнг амакиларининг озод этилган чўриси Сувайба эмизган).

8. Расули Акрамнинг сут оналари ким?

(Пайғамбаримиз Расули акрамнинг сут оналари Саъд ибн Бакр қабиласидан бўлган Ҳалима исмли аёл бўлиб, у киши Пайғамбаримизни 5 ёшга етгунча тарбиялаган).

9. Пайғамбаримизнинг илк тижорат сафарларини биласизми?

(Биринчи марта Пайғамбаримиз амакилари Абу Толиб билан 12 ёшларида тижорат мақсадида Сурияга сафар қилганлар).

10. Пайғамбаримиз неча ёшларида Хадичага уйлانганлар?

(Расули Акрам биринчи хотинлари Хадичага уйланганларида 25 ёшда бўлганлар).

11. Пайғамбаримизни таърифлаб беринг?

(Пайғамбаримиз йирик суякли, гавдали, кош-кўзи қора, сочлари кулоқ юмшоғигача тушган, оқишдан келган, чайир, хушбичим бўлганлар...).

12. Ҳазрати Пайғамбаримизга неча ёшда набийлик келган?

(Расули Акрамга 40 ёшларида набийлик, бироздан сўнг эса расуллик келган).

13. Ислом динини (мусулмонликни) биринчи қабул қилган аёл ким?

(Ислом дини – мусулмонликни қабул қилганларнинг биринчиси ҳазрати Расулуллоҳнинг хотини Хадичаи Кубро, эркаклардан биринчиси Абу Бакр Сиддиқ).

14. Исломий ҳидоятнинг илк хитобини биласизми?

(Исломий ҳидоятнинг бутун инсониятга қарата айтган илк хитоби “Ўқи!” амридир).

Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Қуйидаги мавзулар тахминий бўлиб, кутубхоналар ўзлари учун маъқул бўлган тадбирларни танлаб олиши ва уларга ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Конференция

1. “Муҳаммад - пайғамбарларнинг охиргиси”.
2. “Расули Акрамнинг дунёга келиши ва болалик йиллари”.
3. “Ислом дини элчиси”.
4. “Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти”.
5. “Муҳаммад алайҳиссаломга келган ваҳийлар”.

Давра суҳбати

1. “Пайғамбаримиз илм ҳақида”.
2. “Пайғамбаримизнинг касби нима?”
3. “Меърож кечаси”.
4. “Ислом дини ва охири Пайғамбар”.

Китоб кўргазмалари

1. “Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт йўли”.
2. “Ислом ва Муҳаммад”.
3. “Қуръони Каримнинг пайғамбаримизга аталган саҳифалари”.
4. “Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёшлик йиллари”.
5. “Пайғамбаримиз илм олиш ҳақида”.

Билимдонлар беллашуви

1. “Ислом динининг охир замон пайғамбари”.
2. “Расули Акрам насиҳатлари”.
3. “Пайғамбаримизнинг болалик йиллари”.

Адабиётлар

Абдулғани Исмоил Қори ўғли. Чин имон аломати: Пайғамбаримиз таълимотларидан //Ислом нури.-1995.-6 июнь.

Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим (дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари): Икки китобдан иборат асар /Сўз боши Ҳ.Шайховники; Мухаррир А.Турсунов; Адабий муҳаррир Т.Эшпўлатов; Ношир А.Мусабеков.-Т.: Мовароуннаҳр, 2004.-704 б.

Абу Бакр Сиддик. Сизларнинг яхшиларингиз эмасман: Дастурул амалларда //Ислом нури.-1993.-10 март.

Алладин Билкиз Муҳаммад қиссаси / Жамол Камол тарж. //Бир сафда.-1991.-№5.-Б.23-24; №6.-Б.22-25; №7.-Б.19-22; №8.-Б.22-24; №9.-Б.21-22; №10.-Б.21-22; №11.-Б.19-20; №12.-Б.20-21.

Аҳмад Лутфий. Интизор кутилган шафақ: [Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларидан ҳикоя қилувчи асар] /Нодир Ҳасан ва Наргиза Раҳмат таржималари //Шарқ юлдузи.-1996.-№1.-Б.10-126; №2.-Б.77-136.

Аҳмад Лутфий. Ойдинликлар сари: [Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1996.-№4.-Б.105-162.

Аҳмад Лутфий. Саодатли аср қиссалари: “Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари” тарихий-бадиий асардан парча //Халқ сўзи.-1995.-15 дек.

Аъзам Маҳмуд Сумайя: [Пайғамбаримиз назарлари тушган саҳоба хоним ҳақида] //Саодат.-1997.-№1.-Б.26-27.

Барокатли сафар: Пайғамбаримиз таълимотларидан //Ислом нури.-1995.-№5.-Б.4

Бўриев О. Расуллулоҳнинг дунёга келиши тарихи ва ёшлик даври: [Шеър] //Соҳибқирон юлдузи.-1997.-22 окт.

Даҳолар ҳақида китоб //Ўзбекистон овози.-1995.-5 сент.

Жаброн Ҳалил. “Пайғамбаримиз ҳикматлари”дан: Дурдона //Қонун ҳимоясида.-1997.-№.-Б.30-31.

Ибн Сайрийн Раҳматуллоҳ алайҳиссалом Тушингизни сувга айтинг //Сиҳат-саломатлик.-2000.-№3.-Б.15.

Иноғомов Р. Бир рисола тарихи ҳақида //Гулистон-1995.-№6.-Б.54-55.

Ислом зиёси ўзбегим сиймосида /Таҳрир ҳайъати: Х.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.-Т.: Тошкент Ислом ун-ти нашри., 2001.-240 б.

Ислом: Муҳаммад Алайҳиссалом пайғамбаримизнинг асослилиги //Халқ сўзи.-1992.-7 февр.

Ислом: Пайғамбарнинг қисқача тарихи //Халқ сўзи.-1992.-31 янв.

Ислом тарихидан сабоқлар //Кўзгу.-1997.-23 янв.Ибратли ҳикоялар //Тошкент оқшоми.-1995.-11 авг.

Йўлдошев Ш. Тунги сайр ёки осмонларни титратган кеча: Пайғамбаримиз (саллалоҳу алайҳи васаллам)нинг меърожда бўлиши //Холис.-2002.- 4 янв.

Мадинага ҳижрат. Муҳаммад-пайғамбар алайҳиссалом қиссаси //Саҳоват.-1996.-№4.-Б.40-43.

Маънавият дурдоналари: Ҳадислар //Қалб кўзи.-1999.-8-15 сент.-Б.3.

Маъруфов А. “Қуръони Карим маъноларининг таржимаси” электрон китобидан фойдаланиш //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2003.-№4.-Б.165-166.

Маҳмуд Маҳкам. Расуллулоҳ оиласидаги аёллар. Ислом тарихидан //Саодат.-1993.-№1.-Б.10-12; №4-5.-Б.22-23.

Маҳмуд Маҳкам. Саид ким? Хўжаларчи? //Иқтисод ва ҳисобот.-1992.-№5.-Б.70-72.

Мирзо Кенжабек. Пайғамбаримиз туғилган кун //Кўзгу.-1996.25 июль.

Мустафо Нажотий Бурсоли. Муборак таваллуд /Туркчадан Зебо Мирзаева ўгирган //Қалб кўзи.-1999.-1-14 июль.-Б.3.

Муҳаммад Алайҳиссалом васиятлари //Гулистон.-1996.-№5.-Б.31.

Муҳаммад Пайғамбар алайҳис-с-салом қиссаси: Хадича: - Алининг туғилиши: - Зайд: - Каъбанинг қурилиши: - Ваҳий //Саховат.-1995.-№6.-Б.36-38.

Муҳаммад Салоҳиддин Муҳиддин. Пайғамбаримиз кўрсатмаларидан //Ислом нури.-1994.-№10

Обидов Р. Қуръони Каримнинг муборак номлари //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2003.-№1.-Б.5-9.

Олий хулқ соҳиби //Ислом нури.-1995.-№9.-Б.26.

Очилов Э. Кўнгуллар бўлди нуроний... Мумтоз шеърятда Пайғамбаримиз (саллалоҳу алайҳи васаллам) васфлари //Ҳидоят.-2001.-№1.-Б.30-31.

Расуллулоҳ хутбаси /А.Соғуний тарж. Нашрга тайёрл. Маҳкам Маҳмуд //Гулистон.-1995.-№3.-Б.49.

Расуллулоҳ ҳақида ибратли ҳикоятлар //Тошкент оқшоми.-1996.-5 февр.

Ризоуддин бин Фаҳриддин. Муҳаммад пайғамбар тарихи: (Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васаллам шажара ва насл-насаблари) /Масъул муҳаррир Н.Расулзода.-Т.: Ёзувчи, 1993. - 32 б.

Саидазимова М. Ўзбек мавлудномаларининг ўзига хос хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти.-2001.-№6.-Б.62-63.

Сотиболди Тўра ўғли Саййид. Аъзамхон тўра Аллоҳнинг гўзал исмлари //Ҳидоят.-2001.-№1.-Б.8.

Темур Убайдулло. Расуллулоҳнома: (Назмий рисола) //Тошкент оқшоми.-1995.-27 февр.

Унтер Т. (Адулҳаким Мурод) Ул зотнинг комиллиги //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-8 апр.

Холис Шоҳ Ҳаим. “Сафед булон” қиссаси /Нашрга тайёрл.,сўз боши ва изоҳ муаллифи Т.Набиев, М.Хасаний.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,1994.-152 б.

Худойкулов М. Ибратли ҳикоятлар //Тошкент оқшоми.-1995.-8 май.

Ҳазрати Ойиша (разияллоҳу анҳо) Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар //Ҳидоят.-2000.-№11-12.-Б.14-15, 30-31.

Ҳожиаҳмад Анвар. Жаннат калити: Муҳаммад алайҳиссаломнинг 33 масаладаги 333 ҳадисларига 333 исърий иқтибос.-Т.: Чўлпон, 1994.-96 б.

Мундарижа

Муқаддима	3
Ислом дини элчиси	4
Насл-насаблари	12
Завжалари	13
Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотлари	20
Китобхонлар конференциясини ўтказиш йўл-йўриғи	22
Китобхонлар беллашуви	22
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	25
Адабиётлар	26

Босишга рухсат этилди 2005 йил “ ___ ” _____ —
Бичими _____ нашр. т. ___ нусха. Буюртма № _____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди